Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 16 (4711).
20 ЯНВАРЬ 1982 Й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПЛАСТМАССАДАН РЎЗҒОРБОП ИДИШЛАР

БУГУН

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспектда жойлашган «Ўзбекхимбитпласт» фирма магазинига аҳоли истеъмол буюмларининг катта туркуми келтирилди. Улар чойнакларнинг тагликлари, фотосуратлар учун рамкалар, йўлакларга қўйиладиган кичик токчалардир. Буларнинг ҳаммаси «Ўзбекхимбитпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасида пластмассадан тайёрланган.

Ҳозирги пайтда бирлашма магазинида аҳоли эҳтиёжи учун мўлжалланган 50 хилдан зиёд пластмассали буюм сотилмоқда. Уларнинг ҳаммаси харидорларга манзур бўляпти.

МЕТОДИК КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги ташкилий-партиявий ишлар методик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Бир қанча область шаҳар ва район партия комитетларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги иш тажрибасига оид масала кўриб чиқилди.

Методик кенгаш аъзолари Тошкент шаҳар партия комитети иккинчи секретари К. П. Дудиннинг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида партия ички ахборотининг қўйилиши тўғрисида»ги ахборотини тингладилар.

Методик кенгашнинг 1982 йилги иш плани тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• Пойтахт қурилишларида

БЕЛЛАШИБ ИШЛАГАНДА

153-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармасига қарашли Йўлдош Мавлонов ва Андрей Булатов бошлиқ бригадалари ўзаро беллашиб, қурилиш ишларида яхши натижаларга эришиб келяптилар. Ҳар икки бригада Злобин методи бўйича ишлаб, ойдан-ойга меҳнат унумдорлигини юксалтириб боришяпти. Кунлик топшириқларнинг бажарилиши 125—130 процентни ташкил этмоқда.

БУГУН

Ҳар икки бригада Новий путь кўчасида бунёд этилаётган 40 квартирали турар жой ва 400 ўринли ётоҳонада қурилиш ишларини тугаллаб, объектларни пардозчилар қўлига топширишди.

Шу трестнинг 12-қурилиш бошқармаси сайқалчилари биноларда сайқал ишларини сифатли олиб боришяпти. Мусобақадош бригадалар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида ўтаётган беллашувда пешқадамлик қилишиб, ҳар бир ҳафтани зарбдорона якунлашяпти. Улар январь ойида бригаликда пlandан ташқари 3 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ҲАР БИРКУНИМИЗ ЗАРБДОР БЎЛСИН

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Пойтахтимизда анча кўплаб корхоналар қатори «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам шу кунларда СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, дадил қадам ташламоқда. Корхонада ўнлаб коммунистик меҳнат бригадалари, 350 дан зиёд коммунистик меҳнат зарбдорлари юбилей шарафига оширилган мажбуриятларни олиб меҳнат қилмоқдалар.

Социалистик мусобақада мунтазам пешқадамлик қилиб келаётган А. Архипова бошлиқ бригада эришаётган кўрсаткичлар, айниқса, қувончли бўлмоқда. Бу бригада коллективи СССРнинг 60 йиллигини ва учинчи йили планини бажариш билан кутиб олишга бел боғлаган. Бригадада жами 33 киши меҳнат қилади. Бригаданинг ҳамма аъзолари ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлайдилар. Бу ҳар бир ишчининг кунлик план топшириқларини 125—130 процентга етказиб адо этиш имконини бермоқда. Бригада чеварлари асосан хотин-қизлар пальтосини тикиш билан шуғулланадилар. Мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган шонли ташаббусга сидқидилдан қўшилган бу жонкуяр бригада ҳар бир ҳафтада 530 та ўрнига 550—560 тадан сифатли ва ихчам пальтолар тайёрлаб бермоқда.

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1982 ЙИЛ ВА УМУМАН ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК УЧУН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Республика меҳнат коллективлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошира борib, 1981 йил учун қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 6,1 процент кўпайтирдилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш, тайёрлаш ва етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминладилар.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

Ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини янада ошириш ва меҳнатни интенсивлаш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш планлари ортиғи билан бажарилади. Қўшимча равишда бир миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 35 процент кўпайтирилади, ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш планлари ошириб бажарилади ва давлатга камида 30 миллион тонна пахта топширилади.

1982 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 5 процент, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ҳажмини 6,5 процент кўпайтириш таъминланади, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи ошириб бажарилади ва қўшимча равишда 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Пландан ташқари 270 миллион кубометр газ, 130 минг тонна кўмир қазиб олинади, 225 минг тонна минерал ўғит, 8 минг тонна пўлат ва прокат, 200 та трактор, 100 та сеялка, 50 та пахта териш машинаси, 15 минг тонна пахта толаси, 10 минг тонна ўсимлик ёғи, 260 минг квадрат метр шойи газлама, 70 минг дона трикотаж буюм, шундан 20 минг дона болалар трикотажи ишлаб чиқарилади.

130 та корхона, цех ва участкани комплекс механизациялаш ҳамда автоматлаштириш, 180 та механизациялашган ва автоматлашган поток линия ўрнатиш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини жорий қилиш ҳисобига 25 минг ходимнинг меҳнати тежаб қолинади. Ихтиночилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 110 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара олинади. 800 хил буюм давлат Сифат белгисига тақдим этилади ва олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи 10 процент кўпайтирилади.

Қурилиш ишларини ташкил этишни янада такомиллаштириш, жамиқи моддий ва меҳнат ресурсларини ишга туширилаётган ва алоҳида муҳим қурилишларга марказлаштириш ҳисобига капитал маблағ самарадорлиги ва қурилиш сифати оширилади, чала қолган қурилиш ҳажми 7 процент камайтирилади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг умуман 60 проценти ва уй-жой қурилишидаги ишлар ҳажмининг 80 проценти бригада пудрати методида бажарилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Тошкент трактор заводида ва унинг Ленинск шаҳридаги филиалида, Жизах ишқорли аккумуляторлар заводида, Андижон, Бухоро ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида янги қувватлар, тўқимачилик комбинатларининг республика кичик шаҳарларидаги ва район марказларидаги 13 та янги филиали, Олмалиқ шаҳридаги уйсозлик комбинати, Қарши сут комбинати, Ангрен шаҳридаги нон заводи, Жиззах областидаги балиқ урчитиш хўжалиги ва бошқа бир қанча объектларнинг муддатидан илгари ишга туширилиши таъминланади.

6 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қурилади, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари қурилиш йиллик плани янги ўқув йили бошланишигача бажарилади. 100 минг гектарга яқин янги суғориладиган ер ўзлаштирилади ва 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Ноқоратупроқ зона областларидаги мелиорация ишлари ва Тюмень областидаги йўллар қурилиши топшириғи муддатидан илгари бажарилади.

Транспортда вагонлар ва автомобиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг бекор туриб қолишини қисқартириш ҳисобига пландан ташқари 3,5 миллион тонна юк ташилади. Граждан авиациясида «ИЛ-86» аэробус самолёти ва «ЯК-42» самолёти ишлатила бошлайди, пландан ташқари 100 минг гектар экинзорга дори сочилади. Ҳамма турдаги транспортда пассажирларга хизмат қилиш маданияти оширилади. 15 минг номерли автомат телефон станциялари муддатидан илгари ишга туширилиши таъминланади.

Қишлоқ меҳнатчилари 1981 йилги топшириқлар муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган табрикномада ўз ишига берилган юксак баҳодан руҳланиб, 5 миллион 950 минг тонна пахта, шу жумладан 395 минг тонна қимматли ипак пахта етиштириш, пахтанинг камида 4 миллион тоннасини машинада териб олиш, 320 минг тонна канап, 28 минг тонна пилла тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш топшириғига амал қилиб, давлатга бир миллион тонна дон, 1,7 миллион тонна сабзавот, 600 минг тонна полиз маҳсулотлари, 150 минг тонна картошка, 735 минг тонна мева ва узум сотилади. Чорва туёғи кўпайтирилади, унинг маҳсулдорлиги оширилади ва 286 минг тонна гўшт, 815 минг тонна сут, 25 минг тонна балиқ, 1 миллиард донадан кўпроқ тухум тайёрланади, булар 1982 йилги жами харид ҳажмидан анча ортиқ бўлади.

Саздо ва маиший хизмат ходимлари меҳнаткашларга хизмат қилиш маданияти ва сифатини ошириш, аҳолига пландан ташқари 68 миллион сўмлик маҳсулот сотиш ва 1,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш мажбуриятини оладилар. Ёрдамчи хўжаликларда 92 минг тонна гўшт харид қилинади ва етиштирилади.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига 738 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 979 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежаб қолинади, 430 минг тонна шартли ёқилғи, 54 минг тонна прокат, 83 минг тонна цемент, 139 минг кубометр ёғоч тахта, 43 минг тонна дизель ёқилғиси, 86 минг тонна автомобиль бензини тежалади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнат туҳфалари билан нишонлашга интилиб, партия XXVI съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш ишига салмоқли ҳисса қўшамиз, 1982 йил ва умуман беш йиллик учун белгиланган план ҳамда социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилишини таъминлаймиз, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросига ваъда берадилар.

Социалистик мажбуриятлар республика бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг йиғилишларида қабул этилган.

тонгги газеталарда

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг партия ва совет раҳбар кадрлари малакасини ошириш институтида иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари Президиумларининг Советлар иши масалалари билан шуғулланувчи бўлим мудирлари ва иттифоқдош ҳамда автоном республикалар Министрлар Советлари халқ депутатлари ўлка, область Советлари ижроия комитетлари ташкилий-инструкторлик бўлимлари мудирларининг машғулоти тугади. Тингловчилар икки ҳафта давомида марксча-ленинча назария ва коммунистик қурилиш практикаси, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати, КПСС XXVI съезди кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитети 1981 йилги ноябрь Пленуми, ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида халқ депутатлари Советлари фаолиятига доир масалаларни ўрганиб чиқдилар.

«Газетанинг актив позицияси» — «Правда»газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

МАЙДОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Пойтахтимизнинг Охунбобоев майдони кундан-кунга гўзаллашиб, чирой очмоқда. Осмонўпар «Москва» меҳмонхонаси, кўп қаватли турар жой бинолари бир-бирига уйғунлашиб, пойтахтимизнинг қадимий Чорсу майдони қиёфасига янада кўркамлик бахш этган.

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 12-қурилиш трестига қарашли 49-қурилиш бошқармаси бинокорлари бу ерда яна бир 64 квартирали 7 қаватли мўҳташам уй-жой биносини бунёд этмоқдалар.

БУГУН

объектда Султон Икромов бошлиқ бригада аъзолари пойдевор ишларини тугалладилар.

Қурувчилар биринчи қаватда колонналарни монтаж қилишга киришдилар. Паркет полли, ҳоналари кенг ва ёруғ бинода «Узгипроводхоз» институтининг ходимлари истиқомат қиладилар. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ташаббусига қўшилган бинокорлар ишнинг унумига, сифатига алоҳида эътибор бериб, вақтдан унумли фойдаланишга эришмоқдалар.

ПРОСПЕКТ ҚЎРКИ

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги проспекти бугунги кунда ажиб бир манзара касб этган. Унинг қиёфаси борган сари киши диққатини ўзига жалб этмоқда.

Проспектда беш қаватли турар жой биноси қад кўтармоқда. Бинони Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 12-қурилиш трестига қарашли 49-қурилиш бошқармасининг Тўқин Самиғов бошлиқ бригада аъзолари тезкорлик билан бунёд этмоқда.

БУГУН

объектнинг бир қисмида умумий қурилиш ишлари тугалланди. Иккинчи қисмида эса қурилиш ишлари давом этиб, бунёдкорлар бинони муддатидан илгари пардозчиларга топширишга аҳд қилганлар. Пишиқ ғиштдан қурилаётган ва катор қулайликлар кўзда тутилган бу уй-жой биносида қурувчилар Злобин методи асосида ишламоқдалар. Улар СССР 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада актив қатнашиб, фидокорона меҳнат қилишмоқда.

ЧИННИЛАР НАФОСАТИ

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шу кунларда шаҳримиздаги чинни заводи коллективи муборак айём — Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб туҳфалар билан қутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда ана шу шонли сана шарафига ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хили кундан-кун кўпаймоқда. Юбилей сапаси туширилган турли хил нафис чинни буюмлар, миллий орнамент билан безатилган совғалар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Корхона рассомлари коллективи ана шу буюмларнинг нафосатлилигини, оригинал кўринишини таъминлаш учун қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Рассомлар юбилей буюмларига ишланадиган гуллар ва суратларнинг 20 га яқин хилини тайёрлаб қўйишган.

Корхонада айни пайтда 30 хилда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шулардан 15 хили миллий нақшлар билан тайёрланади. Корхона ўтган йил 11 миллион 980 минг сўмлик ўрнига 12 миллион 228 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади. Завод коллективининг бу йилги режалари ҳам катта. Ишчилар СССРнинг 60 йиллигини меҳнатда катта кўрсаткичлар билан қутиб олиш учун ғайрат кўрсатишмоқда. Ўнлаб пешқадамлар юбилей кунигача 1983 йил планини бажариш мажбуриятини олишган.

Ҳамкасблар сизлар учун

МАРШРУТ УЗАЙДИ

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси Октябрь ва Акмал Икромов районлари аҳолисига қулайлик яратди. Яқинидан бошлаб Чиловзор массивининг «20-квартал — «Бешқайрағоч» бекатидан қайтмай, «Кўкча» бекатигача узайтирилди.

Бу қулайлик туфайли икки район аҳолисининг узоғи яқин бўлди.

В. НАБИЕВ.

СТУДЕНТ ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚТИРАЙЛИК

Ўзбекистон олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг республика кенгаши 19 январь куни Тошкентда тугади. Кенгашда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижтимоий фанларни ўқитишни, марксча-ленинча таълимни ва студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш масалалари, жамиятшунос олимларнинг муҳим вазифалари муҳокама қилинди.

Докладлар ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, материалистик дунёқараш билан қуролланган, омма ўртасида ташкилотчилик ва агитация-пропаганда ишини олиб боришга қодир бўлган юқори малакали мутахассислари тайёрлаш ва тарбиялаш олий мактабнинг бош вазифасидир. Бугунги кунда совет мутахассиси, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — марксча-ленинча таълимот асосларини яхши эгаллаб олган, партия ва мамлакатнинг сиёсий мақсадларини равшан кўра биладиган, кенг илмий ва амалий тайёргарликка эга бўлган, ўз ихтисосини мукаммал эгаллаб олган кишидир.

Студентларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни яхшилаш билан боғлиқ актуал проблемалар ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг ўтган йил охирида ўтказилган Бутуниттифоқ кенгашининг диққат марказида бўлди. Ана шу кенгашда қабул қилинган тавсиялар республика жамиятшуносларини ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, студентларни ўқишда ташқари тарбиялаш ишларини такомиллаштириш, ижтимоий фанлар кафедраларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларнинг илмий-методик ишларини яхшилаш юзасидан муҳим вазифаларни ҳал этишга йўллади.

Бу соҳада Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида муайян тажриба тўпланган. Кейинги ўн йил мобайнида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ана шу олий ўқув юртларини битириб чиққан кишилар сони икки баравар кўпайди. Таълимнинг проблемавий методига ўтиш, ўқитишда техника воситаларини жорий этиш, лекцияларда маҳаллий материалдан фойдаланиш таълим-тарбия жараёнига юксак самарадорлик бахш этмоқда.

Шу билан бирга, ялпи мажлисларда ва КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм секцияларининг мажлисларида таҳлилдаб ўтилганидек, республикада студентларга марксча-ленинча таълим бериш ва уларни тарбиялаш ҳозирги даражаси партия талабларига, коммунистик қурилиш практикасининг ошиб кетган эҳтиёжларига ҳали тўлиқ мос келмаяпти. Ижтимоий фанлар бир қанча кафедралари ўз ишларини бугунги кун вазифаларига мувофиқ даражада тезлик билан қайта қурмаяптилар.

Кенгашда уқтириб ўтилганидек, ёшларни ғоявий қуроллантириш уларда сиёсий матонатни, мафкуравий курашкескинлашиб кетган бир шароитда актив ҳужумкорлик позициясида туриш иштиёқини, буржуа пропагандасининг уйдирмаларига қаршилик кўрсата олиш маҳоратини тарбиялаш — жамиятшунос олимларнинг, ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг бурчидир.

Кенгашда олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, марксизм-ленинизм назариясини ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш борасидаги тадбирлар белгиланди, ижтимоий фанларни ўқитиш тажрибаси баҳам кўрилди.

Кенгаш қатнашчилари ишонч билдириб айтдиларки, республика жамиятшуносларининг катта отряди КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорлари изчил ва муттасил амалга оширилиши учун бутун куч, билим ва тажрибасини сарфлайди, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш даражасини яна ҳам юқори кўтаради. (ЎзТАГ).

• *Маданият янгиликлари*

БОЛАЛАР «САНЪАТ БАЙРАМИ»

Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрида Октябрь районни мактаб ўқувчиларининг «Санъат байрами» бўлиб ўтди. Район мактаб ўқувчиларининг ҳар йили ўтказиб туриладиган бу кувнок байрамида санъат иштиёқмандларининг маҳорати намойиш қилиниб, баҳоланди.

Бу байрамда райондаги мактаб ўқувчилари ва боғча тарбиялаланувчилари ҳамда П. Охунбобоев номли маданият уйининг коллективи ҳам актив иштирок этдилар. 448, 461, 456, 343, 152, 140-болалар боғчасининг кичкинтойлари, шунингдек, 38, 167, 102, 41, 180, 13, 115 мактаб ўқувчиларининг санъатсевар коллективлари қатнашдилар. Ўқувчилар ижро этган дилрабо куй ва кўшиқларни жюри баҳолаб, юқори баҳо олганларга республика «Санъат байрами»да иштирок этиш ҳуқуқини берди.

Боғча болаларининг «Бахтли болалигимиз учун жонажон партиямизга раҳмат» деган композицияси учун, мактаб ўқувчиларидан Б. Матёқубов, М. Аглаева, З. Мўминова, шунингдек, И. Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи қошидаги «Наргиз» рақс ансамбли, «Нилуфар» вокал-чолғу ансамблари энг юқори баҳо олдилар.

телетайп лентасидан

✦ **СОФИЯ.** Кейинги 20 йил мобайнида Болгария пойтахтида булутли кунлар анча камайди. «Софиянинг иқлими ва минроиқлими» деб аталган монографиядa Софиянинг барча аҳолиси учун маълум бўлган факт тушунтириб берилади.

Олимлар метеорология станцияларининг 90 йиллик маълумотларини таҳлил қилиб қуёшли кунларнинг кўп бўлишининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳавони тозалаш тадбирлари билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Софияда ва унга яқин районларда табиатни муҳофаза қилиш мақсадида махсус программа ишлаб чиқилган. Бу программага пойтахтнинг экология харитаси, шовқинни қайд қилувчи хариталар киритилган. Тупроқнинг, ҳавонинг ифлосланиши хариталари киритилган. Бу маълумотлар доимо таҳлил қилиб турилади ва табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш учун фойдаланилади.

✦ **ГАРБИЙ БЕРЛИН.** Гарбий Берлинда қурилиш ишларининг қисқартирилган графиги» деб аталмиш график асосида ишлаб иш ҳақининг анчагина қисмидан маҳрум бўлмоқдалар.

Гарбий Берлинда биринчи навбатда муниципал турар жой биноларини қўриш қисқартирилмоқда. Ҳолбуки, расмий маълумотларга кўра, ҳозир шаҳарда уй-жойга муҳтож бўлган 80 мингдан кўпроқ киши борлиги рўйхатга олинган.

✦ **ТОКИО.** Япония пойтахтида ва унга туташиб кетган районларда уй-жой қуриш учун ер участкаларининг қиймати 4,8 процент ошган. Эндиликда уч квадрат метрдан сал кўпроқ бўлган ер участкасининг баҳоси камида 1 миллион иена (45.000 доллар) баҳоланади.

Ернинг шундай ниҳоятда қимматлиги уй-жой қурилишининг қисқартирилишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, миллионлаб токиоликлар уй-жой шароитларининг яхшиланишига қўпт муҳтождирлар.

✦ **БАНГКОК.** Таиланд пойтахтидаги бир қанча давлат корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари ҳукуматнинг иш ҳақининг бир даражада сақланишини бекор қилишдан бош тортаётганлигини қоралаб чиқдилар. Бу ерда касаба союз раҳбарларининг даъвати билан митинглар бўлиб ўтди, уларда шаҳар меҳнаткашларидан 10 мингдан кўпроқ киши қатнашди. Митинглар сўзга чиққан нотиқлар ҳукуматнинг мамлакатда касаба союзлари ролини чеклаш ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига бошқа йўллар билан ҳуруж қилиш йўлидаги уринишларига қарши норозилик билдирдилар.

✦ **ВАШИНГТОН.** Жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги Америка пойтахти турмушига хос хусусият бўлиб қолмоқда. Маҳаллий полициянинг хабар беришича, 1981 йилда Вашингтонда ашаддий жиноятлар сони 7 процент кўпайган. Ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида пойтахт кўчаларида 61.457 марта ашаддий жиноятлар содир этилган, шу жумладан одам ўлдириш, туғиш, қуролли ҳужум қилиш содир бўлган.

✦ **БРАЗИЛИА.** Бразилияда энг катта Сан-Паулу шаҳридаги савдо тармоқларига келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида жуда кўп инсектицид борлиги аниқланган. Алмейда ана шундай хулосага келди. Шаҳарда Владемар Феррейра ди сотилаётган саббавотнинг 14 проценти ва меванинг 7 проценти инсектицидлар билан, шу жумладан қаттиқ таъсир этадиган ДДТ (дихлордифенилтрихлорметилметин) билан заҳарланган. Бу эса одамларнинг жиддий касалланишига сабаб бўлмоқда.

(ТАСС).



Англияда янги электропоезд (суратда) синовдан ўтмоқда. Унинг конструкциясига қатор техника янгиликлари киритилганлиги, жумладан электропоезд ва вагонлар шакли ўзгартирилганлиги туфайли унинг тезлиги ошган. Янги электропоезд устидаги ишлар ўн уч йил давом этиб, 35 миллион фунт стерлингга тушди.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

• Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Ўн биринчи беш йилликнинг ҳар бир меҳнат куни социалистик мусобақа кўлами кенг авж олганлиги, зарбдор меҳнат билан нишонланди. Икки мусобақадош район — Ҳамза ва Куйбишев районларининг партия-хўжалик активи йиғилишларида 1981 йил учун олинган давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари чуқур таҳлил этилди ва партия ташкилотларининг 1982 йилга олинган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга коллективларни сафарбар этиш бўйича вазифалари белгиланди.

1981 йил якунларига кўра социалистик мусобақада Ҳамза районининг меҳнат коллективлари ғолиб деб топилди. Куйбишевликлар ҳам шавкатли меҳнат қилдилар.

Ҳар бир районда илғорлар ва новаторларнинг вакиллари иштирокида ўтказилган актив йиғилишларида социалистик мусобақа бўйича шартнома имзоланди, 1982 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Куйбишевликлар ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш, иш сифатини ошириш, ижодий изланиш ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик топшириқни 28 декабрга, ҳамзаликлар эса 1982 йилнинг 24 декабрига бажаришга азму қарор қилдилар.

РАЙОН партия-хўжалик активи йиғилиши Ҳамза райони партия ташкилотлари олдига 1982 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш ва ортиғи билан адо этиш бўйича меҳнат коллективларини сафарбар этиш вазифасини кўйди.

Районнинг кўпгина партия ташкилотлари ўз иш услубларини изчиллик билан такомиллаштириб, иш фаолиятининг янги, янада самарали форма ва методларини қидириб топаётганлиги, районнинг иқтисодий потенциали юксалиши билан боғлиқ масалаларни, ўн биринчи беш йиллик социал масалаларини ҳал этишда ижодий ташаббускорлик кўрсатаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди, — деб уқтирди ўз докладида Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг биринчи секретари Ф. Нажмиддинов.

Район саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари КПСС XXVI съезди, Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидай социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича ўн биринчи беш йиллиннинг биринчи йили давлат планини муддатидан илгари — 23 декабрда бажардилар.

Социалистик мажбуриятлар ҳисобига пландан ташқари 24,3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу мажбуриятда кўзда тутилганидан 4,3 миллион сўм ортиқдир. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Ана шулар билан бир қаторда, докладда ва сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ютуқлар билан бирга районда ҳал этилмаган муаммолар ҳам борлиги таъкидлаб ўтилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг айрим хиллари бўйича планлар бажарилмаётир, айрим коллективлар маҳсулотларни етказиб бериш интизомига риоя этмаётирлар, иш сифатини секинлик билан оширилмоқда. Бир қатор корхоналарда фондлардан олинадиган фойда пасаймоқда, ишлаб чиқаришни юксалтириш суръатлари етарли эмас. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини кенг ёйиш зарурлиги, хўжалик ҳисоб-китоби принципларини ҳаётга изчиллик билан жорий этиш кераклиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳамон капитал қурилиши масалаларига муҳим эътибор қаратиш лозим. Ўтган йили районда 102 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, у 1980 йилдагига қараганда 18 процент ортиқдир, 99,7 миллион сўмлик капитал жамғарма ўзлаштирилди, бу 1980 йилдагига қараганда 9 миллион сўм кўп демакдир. Бу борада «Узбекнефть», «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташсельмаш» заводи, 1-уйсозлик комбинати, «Ташкентвино» комбинати ва бошқа бир қатор корхоналарнинг коллективлари, партия ташкилотларининг раҳбарлигида пландаги ишларни амалга оширишда, ягона мақсадга қаратилган ишларни амалга оширмоқдалар. Ана шу корхоналарда асосий фондларни юксалтириш бўйича планлар, капитал жамғармаларни ўзлаштириш бўйича планлар ортиғи билан адо этилди.

Бироқ райондаги 9 корхона ва ташкилот асосий фондларни ишга тушириш планларини бажармадилар, «Госкомсельхозтехника»нинг РИВЦи, 2-темир бетон буюмлари заводи, 2-уйсозлик комбинати, «Госкомсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика заводида капитал жамғармаларни ўзлаштиришда паст кўрсаткичлар мавжуд.

Актив йиғилишида меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари ҳал қиладиган масалалар фақат кўлами бўйичагина эмас, балки бу масалалар катта мураккаблиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ана шу масалаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қурилиш-монтаж бошқармалари, трестлар, қурилиш индустрияси корхоналари эга бўлган барча имкониятлардан оқилона ва рационал фойдаланиш керак. Ҳозирги пайтда партия ташкилотлари қурилишларнинг раҳбарлари, мастердан тортиб трест бошқарувчисигача бўлган кишиларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг инженерлик тайёргарлиги масалалари билан қуні билан шуғулланиши лозимлиги, техникадан тўла равишда фойдаланишни ўзлаштириш кераклиги, ишчиларнинг бекор турib қолишларига йўл қўймасликлари айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бригада пудратини кенг ёйиш ва мустаҳкамлаш ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида ундан кенг ва самарали фойдаланиш учун бутун куч-ғайратни сафарбар этиш лозим.

Ҳозирги пайтда меҳнат коллективларида ишчанлик, ижодий жўшқинлик муҳити барқ урib турибди. Бу корхона ва қурилишлар, транспорт ва район хўжалиги, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан олиб бораётган катта ва ягона мақсад йўлидаги ишлари самарасидир.

Райондаги илғор коллективларнинг СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича оммавий социалистик мусобақа юзасидан бошлаган ташаббуси ана шунинг ёрқин тимсолидир. Корхоналарнинг 4 мингдан зиёд ишчиси, 377 бригада, цех, участкаси Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига йиллик топшириқларни бажаришга қарор қилдилар.

1982 йилда Ҳамза районида хўжалик ва социал ўзгаришлар бўйича ҳам катта программа белгиланди. Барча резервларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, иш суръатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, ўз биринчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган вазифалар олдинга қўйилди.

КУЙБИШЕВ районининг меҳнаткашлари ўтган йилги меҳнат зафарлари солномасига кўпгина ёрқин саҳифаларни ёздилар. Улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, маҳсулотни реализация қилиш бўйича планни муддатидан илгари — 28 декабрда бажардилар. Пландан ташқари 216 трактор, 60 трактор прицепи, 200 километрга яқин кабель маҳсулоти, 20 минг тоннага яқин сортли ун, 10 мингдан зиёд газ плитаси ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш плани 102,9 процент адо этилди.

— Юксак кўрсаткичларни кўлга киритишда синалган восита — социалистик мусобақанинг аҳамияти катта бўлди, — деб таъкидлади партия-хўжалик активи йиғилишида доклад қилган Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари Б. Алиев. — Районда «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириғи». «СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз», «Барвақт қурамиз, барвақт ўзлаштирамиз» деган ва бошқа ташаббуслар кенг қулоч ёйди.

Илғорларнинг тажрибасини кенг ёйиш туфайли Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача районнинг бешта саноат ва транспорт корхонаси, тўртта қурилиш-монтаж ташкилоти, 80 та цех, участка ва бригадаси, олти мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғори беш йиллик биринчи йили топшириғини ниҳоясига етказиш шарафига муяссар бўлди.

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, район партия комитети илмий-техника тараққиётини ҳар томонлама тезлаштиришга, корхоналарни реконструкция қилиш ва уни қайта жиҳозлашга, бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини оширишга ҳар томонлама интилиб келмоқда. Ўтган йили район корхоналарида 10 та поток-механизацияланган линия жорий қилинди, 180 та янги жиҳозлар, шу жумладан 25 та автомат ва махсус агрегат станоклари ўрнатилди. 200 та ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилди, уларнинг шартли иқтисодий самараси 2 миллион сўмликдан ортиқдир ва у 300 га яқин кишини ишдан шартли равишда озод этади. Бу нарсалар меҳнат унумдорлигини бирмунча ошириш имконини берди. Район рационализаторларининг ва новаторлари томонидан 2,5 мингта таклиф тавсия этилди, шулардан қарийб 2 мингтаси жорий этилди, бу нарса 2 миллион 400 минг сўмликдан зиёд шартли иқтисодий самара берди.

Партия XXVI съезди «Экономика тежамли бўлиши керак» деган шиорни ўртага ташлади. Ана шу талабга мувофиқ меҳнат коллективларида хом ашё, материал, ёқилғи ва энергетика ресурсларини тежаб-тергаш бўйича социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди.

Тежамкорлик бўйича шаҳсий ҳисоблар, иқтисод ва тежамкорлик кўриклари, бригада пудрати ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа прогрессив формалари кенг ёйилди, бу нарса ўтган йили 10 киловатт-соат электр энергияси, 2,5 минг тонна металл, 150 тонна цемент, 2 минг тонна шартли ёқилғи ва 1 миллион сўмга яқин бошқа материалларни тежаб қолиш имконини берди.

Шу билан бирга, йиғилиш қатнашчилари эришилган ютуқларни баҳоли қудрат баҳолаш билан бирга, партия ташкилотлари ва корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари ҳали фаолияти ҳали тўла даражада КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми бизларни даъват этаётган юксак талабларга жавоб бермаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Ҳамма корхоналар ҳам ишлаб чиқаришнинг юксак ўсиши суръатларини таъминлашмаётир, уларнинг айримлари эса эришилган даражага қарама қарши ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтирдилар. Булар экскаватор заводи, «Фан» босмахонаси, 2-ёғочни қайта ишлаш заводидир. 8 та корхона буюмларнинг асосий хилларини ишлаб чиқариш бўйича планни бажара олмади. Улар 12 минг километрдан зиёд ёритиш шнурлари ва ўтказгич проводлари, 41 та экскаватор, мамлакат пахта тозалаш заводлари учун технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, 2 минг куб метр ёғоч материаллари, темир-бетон конструкциялари ва бошқа буюмларни бермадилар.

Бир қатор корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг планли таннархини ошириб юбордилар, хом ашё, материал, ёқилғи ва электр энергиясининг ортиқча сарфланишига йўл қўйдилар.

Экскаватор заводида «Узбекгазмаш»да ва «Фан» босмахонасида ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш ва реконструкция қилиш ишлари бўш олиб борилмоқда.

Актив йиғилишида шу нарса таъкидландики, қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари натижасида 1981 йилнинг ўн бир ойи ичида 94 миллион сўмлик капитал жамғарма ўзлаштирилди, 67 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, қарийб 149 минг квадрат метр уй-жой, 1568 ўринли битта умумий таълим мактаби, 320 ўринли мактабгача болалар муассасаси фойдаланишга топширилди. Асосий кутубхона, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув корпуслари ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Трактор заводи қурилиши ва реконструкциясини олиб бораётган «Таштрактороespecтрой» трести, шунингдек «Электромонтаж» трестининг Тошкент монтаж бошқармаси, «Гидроспецстрой»нинг қурилиш бошқармаси, «Стальмонтаж» трестининг Тошкент монтаж бошқармаси, «Ташэнергострой»нинг қурилиш-монтаж бошқармаси ва бошқа коллективларнинг ишлари таҳсинга лойиқдир.

Лекин ҳали ҳамма қурилиш ташкилотлари ҳам ишни аниқ, бир маромда ташкил этишга эришганлари йўқ. Бу гап ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши ва уларни фойдаланишга топшириш билан боғлиқ масалаларга айниқса таллуқлидир. 1981 йили фойдаланишга топшириш кўзда тутилган ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган ўнта объектдан тўрттаси ишга туширилди, асосий фондларни ишга туширилиш плани 75 процент адо этилди. Лак-бўёқ, экскаватор заводларида, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида, САНИИРИ ва бошқа жойларда давлат томонидан ажратилаётган маблағлар қонқарсиз равишда ўзлаштирилмоқда. Кўрсатиб ўтилган нуқсонларга барҳам бериш ўн биринчи беш йиллик иккинчи йили план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Райондаги транспорт ва алоқа ходимлари, жумладан 2521-автоколонна, 6-таксомотор парки, 8-автосаъга ходимлари эришган ютуқлар билан бир қаторда, актив йиғилишида «Узтрансэкспедиция» автотранспорт корхонасининг мунтазам равишда планни бажармаётганлиги қайд этиб ўтилди. Транспорт ташкилотларида бригада пудрати бўш жорий этилянти, вагонларнинг бекор туриб қолиш ҳоллариг чек қўйилмаган, хатхабарларни ўз вақтида эгаларига етказиб бермаслик ҳоллари мавжуд.

Куйбишев районида 37 илмий-тадқиқот институти ва лойиҳа-конструкторлик бюроси жойлашган. Шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда бу ерда илмий-тадқиқот ишларининг даражаси ва самарадорлиги бирмунча юксалди, фаннинг халқ хўжалик масалаларини ҳал қилишдаги, илмий-техника тараққиёти актуал проблемаларини ҳал этишдаги ҳиссаси юксалди. Ҳар йили районнинг илмий ташкилотлари ишлаб чиқаришга иқтисодий самараси 100 миллион сўмликдан ортиқ илмий-техника ишларини бермоқдалар.

Куйбишевликлар ўз иш якунларини чуқур таҳлил этиб, 1982 йилги социалистик мажбуриятларида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада юксалтиришни, иш сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишни, илмий-техника тараққиётини тезлаштиришни кўзламоқдалар. Улар мамлакатимизнинг шонли юбилейини коммунистик қурилишнинг барча участкаларида янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭҲМ САВДО ТАРМОҒИ

ПРАГА. Молларни ҳисоб-китоб қилиш ва тақсимлашнинг автомат системаси кенг жорий этилганлиги туфайли Чехословакия савдо тармоғи иши анча яхшиланди. Энди магазинларга хизмат қилувчи барча омборлар ва савдо базаларининг ишини ЭҲМ комплекси тўла-тўкис назорат қилиб турибди. Компьютерларни ишлатиш 12 минг омборчи, товаршунос, бухгалтер, ҳисобчининг меҳнатига эҳтиёж қолмайди.

ЧССР халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ҳисоб техникасидан кенг фойдаланиш — фан-техника тараққиётини янада ривожлантиришнинг, экономика самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу беш йиллининг ўзида савдодаги ҳисоб-китоб ва планлаштириш системасига яна 60 та ЭҲМ берилади.

ЮКСАК СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

СОФИЯ. Нови-пазар шаҳридаги «Китка» чинни ва шиша рўзғор буюмлари комбинати ишлаб чиқараётган биллур маҳсулотларининг юздан ортиқ тури юқори сифатли бўлганлиги учун Болгариядаги энг юксак «К» белгисига сазовор бўлди.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ОШИБ БОРМОҚДА

ДЕҲЛИ. Мамлакатда амал қилаётган давлат кредит системаси Ҳиндистон аҳолисининг кенг табақалари турмуш даражасини оширишда катта роль ўйнамоқда. «Пэтриот» газетасининг хабар беришича, 1969 йилда 14 та энг катта банк давлат ихтиёрига олингандан кейин ҳар йили ёрдамга ажратиладиган маблағ миқдори 5 миллиард рупиядан 94 миллиард рупияга етди. Банклар чорвачилик кооперативлари тузиш, ҳар хил ишхоналар очиш, чорва моллари, қишлоқ хўжалик асбоблари, уруғлик ва ўғит сотиб олиш учун енгил шартларда батракларга, кам ерли деҳқонларга, ҳунармандларга узоқ муддатга кредит бермоқда.

Қисқа хабарлар

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик республикаси пойтахтида «Улуғ Батан уруши тасвирий санъатда» номли бадиий совет виставкаси очилди. Пхеньян бадиий музейи залларига қўйилган экспозиция Москва остоналарида немис фашист қўшинларининг тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган. Виставкада СССР Марказий революция музейи фондларидан 150 га яқин танқиди совет рассомлари, ҳайкалтарошлари ва графикларининг асарлари қўйилган.

Виставкани очиш маросимида унинг иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши таъкидланди.

* * *

ПАРИЖ. «Франция—СССР» жамияти аъзолари ва рус тили ўқитувчилари жамияти 1982 йилни Францияда «рус тили йили» деб эълон қилишга қарор бердилар. Улар шу кампания даврида рус тилини ўрганиш соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлар шартномаларини самаралироқ амалга ошириш мақсадида иш олиб борилади, деб таъкидладилар. Бунинг учун, жумладан Франция билан СССРнинг биродарлашган шаҳарлари ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларидан кенг фойдаланилади.

* * *

БАЙРУТ. Фаластин Қизил Ой жамияти ахборот хизматининг бу ерда нашр этган «маданиятлилар» номли асари Исроил агрессорларининг араб халқларига қарши олиб бораётган жиноятини фош этувчи яқол ҳужжатдир. 100 саҳифадан иборат бу китобда текст йўқ. Унга 1982 йилда 17 июлда Исроил авиацияси Байрутдаги фаластинлик қочоқлар яшаётган Фаҳҳоний аҳоли пунктини ваҳшийларча бомбардимони оқибатлари тасвирланган фотосуратлар қўйилган. Бу фотосуратларда вайрон бўлган уйларни, тўдаклар, хотин-қизлар, қариялариниг жасаднари тасвирланган. Китобдаги материаллар Тель-Авивнинг Ливанга ва Фаластин қаршилик ҳаракатига нисбатан қилаётган агрессия ҳаракатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тамомила хилоф эканлигини яққол тасдиқлайди.

* * *

БУЭНОС-АЙР Е С Уругвай экономикасининг асосий тармоқларини иқтисодий танглик кўпгина пойабзал ва тўқимачилик фабрикаларининг инқирозга юз тутишга, бир қанча савдо фирмаларининг синишига сабаб бўлди. Оммавий бўшатишлар натижасида минглаб ишчи ва хизматчилар ишсиз қолди.

* * *

СОЛЬСБЕРИ. Республика бош министри Р. Мугабе Зимбабведа кооператив ҳаракатини ҳар жиҳатдан ривожлантиришга даъват этди. Давлат, деди у миллий радио мухбири билан қилган суҳбатида, ҳозирги вақтда ишлоқларда ташкил этилаётган коллектив хўжаликларга ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Бош министр маҳаллий ҳокимият органлари бу вазифани амалга оширишда кўмаклашадилар, деб уқтирди: Р. Мугабе шунингдек ҳукумат муҳтож деҳқонларни ер билан таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиласпти, деб хабар берди.



Испаниянинг «Хуан Себастян Эль Кано» ҳарбий-денгиз кучларига қарашли тўрт мачтали, машқ учун мўлжалланган кема саксоннинчи марта дунё бўйлаб саёҳатга отланди. (суратда). Денгиз флотининг бўлажак офицерлари унда қийин синовдан ўтадилар, ҳар қандай об-ҳаво шароитида йўлни тўғри олиш ва кемани бошқариш кўникмаларини ҳосил қиладилар.

ЭФЕ—ТАСС фотоси.

ЖИНОЯТЧИЛИК ЎСЯПТИ

ВАШИНГТОН. Ўқувчи ёшлар ўртасида жиноятчилик Америка жамиятида жиддий проблема бўлиб қолмоқда. Маориф миллий уюшмасининг маълумотларига кўра, мамлакатдаги ўғриликнинг 40 процентидан кўпроғи мактабларда содир бўлмоқда. 1980 йилнинг ўзидагина ўрта мактабларнинг ўқувчилари ўз синфдошларидан ва ўқитувчиларидан 200 мингдан зиёд кишини тунаганлар. Уюшма маълумотларида кўрсатиб ўтилганидек, жиноятларни асосан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган юқори синфларнинг ўқувчилари қилмоқдалар.

ЯНГИ АСАР

БУХАРЕСТ. Бухарестдаги илмий ва энциклопедик адабиётлар нашриёти «жаҳон тилларининг қичик энциклопедияси» китобини босмадан чиқарди. Руминияда шундай типдаги дастлабки китобда тахминан 2.2000 хил тил тўғрисида, уларнинг структураси, асосий диалектлари, ривожланишининг асосий босқичлари, географик жиҳатдан тарқалиши ва бошқалар тўғрисидаги лингвистик ва тарихий маълумотлар берилган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАМСИТИЛЯПТИ

ВАШИНГТОН. Р. Рейган маъмурияти хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш нияти тўғрисида зўр бериб жар солаётганлигига қарамай, бу шармандали иш Қўшма Штатларда ҳамон давом этмоқда. АҚШ хотин-қизлари миллий ташкилотининг баёнотида ана шу ҳақда гапирилади.

Ҳозирги вақтда, деб таъкидланади баёнотда, америкалик хотин-қизлар эркаклар билан баравар меҳнат қилишлари, тенг маошга эга бўлганлари ҳолда уларнинг оладиган маошлари эркаклар иш ҳақининг атиги 59 процентини ташкил этади. Жумладан, давлат секторида минглаб иш жойларини қисқартиришни кўзда тутувчи маъмуриятнинг иқтисодий программаси, дейилади сўнгра ҳужжатда, хотин-қизлар ўртасида ишсизларнинг янада кўпайишига олиб келади.

ИШСИЗ АВТОМОБИЛСОЗЛАР

САН-ФРАНЦИСКО. Калифорния штатининг Фримонт шаҳридаги «Женерал моторс» корпорациясига қарашли автомобиль йиғув заводининг яна 1900 ишчиси ўзларининг ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги маълумотномани олди. Ўтган йили кузда мазкур корхонада 1400 киши ишдан бўшатилган эди.

Америка саноатининг асосий тармоғидаги танглик натижасида автомобилсозлик корхоналаридаги ишчилар кўплаб ишдан бўшатилмоқда. «Лос-Анжелес таймс» газетасининг хабар беришича, АҚШда 1978 йилдан бери 600 минг автомобилсоз ишдан маҳрум бўлди.

УЧ КОРХОНА ЁПИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. Қоғоз ишлаб чиқаришга ва ёғочсозликка ихтисослашаётган «Потлэтч» корпорацияси Айдахо штатидаги ўзининг учта корхонасини ёпишини эълон қилди. Корпорация вакилининг айтишича, АҚШ саноатида чуқур инқироз билан боғлиқ молиявий қийинчиликлар натижасида шундай қарорга келинган. Ишлаб чиқаришни қисқартириш оқибатида 600 киши ишсиз қолади. Компания маъмурияти биргина кейинги ойларнинг ўзида 1.200 дан кўпроқ кишини ишдан бўшатди.

ҲИНДИСТОН КАЛЕЙДОСКОПИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг электр станциялари 1981 йилнинг апрелидан декабргача 91,5 миллиард киловатт-соат чамаси электр энергиясини ҳосил қилди. Бу 1980 йилдаги шу давр кўрсаткичидан 11 процент кўпдир.

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1980—1985 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик планига мувофиқ иссиқлик, атом электр станциялари ва гидроэлектростанцияларнинг қуввати 20 миллион киловатт кўпаяди ва беш йилликнинг охирига борганда 50 миллион киловаттдан ортиб кетади.

Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи билан ҳамкорлиги шу вазифани бажаришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. СССРнинг ёрдами билан қурилган объектларга мамлакатда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг 20 процента тўғри келади.

* * *

Ҳиндистон ҳукумати сув тўлқини энергияси билан ишлайдиган электр станциялар яратиш билан боғлиқ тадқиқотларга 20 миллион рупиядан кўп пул ажратди. Кандла шаҳрида очилган семинарда айтилишича, Кач ва Камбей қўлтиқларининг соҳилида шундай электр станциялар қуриш учун қулай шароитлар бор.

* * *

Ҳиндистондаги катта давлат корпорацияси «Стил оссорити оф индиа лимитед» корхоналари 1981 йилда пўлат ишлаб чиқаришда рекорд даражага етди. ПТИ информация агентлигининг хабарига кўра, бултур корпорациянинг заводлари 5,53 миллион тонна товар пўлат эритган, бу миқдор 1977 йилда қўйилган аввалги рекорддан 100 минг тонна ошади.

Совет Иттифоқининг техник ва иқтисодий ёрдамлари билан Бхилаи ва Бокарода қурилган металлургия комбинатлари корпорациянинг етакчи корхоналари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бу корхоналар Ҳиндистон жами пўлатининг 40 процентига қадарини эритмоқда.

(ТАСС).

МЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

АДДИС-АБ Е Б А. Эфиопияда метеорология хизматини ривожлантиришнинг ўн йиллик перспектив плани тузилди. Бу план шу давр ичида мамлакатда метеорология станцияларини 600 тадан 3 мингтага етказишни кўзда тутади. Шу станциялардан олинадиган барча ахборот замонавий электрон асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ягона марказда ишлаб чиқилади. Об-ҳаво шароити тўғрисида системага солинган маълумотлардан мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программасини тузиш вақтида фойдаланилади.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Сиз суратда кўриб турган КПСС аъзоси Феруза Абдуҳалилова ва Вера Смотровалар шаҳримиздаги Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-филиалининг пешқадам ишчиларидир. Бу социалистик мусобақа ғолиблари смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этишади.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

БРУЦЕЛЛЁЗДАН САҚЛАНИНГ

Шифокор маслаҳати

Бруцеллёз ҳайвонлар ва одамлар орасида тез-тез учраб турадиган юқумли касаллик бўлиб, кишилар саломатлигигагина эмас, балки халқ хўжалигига ҳам катта иқтисодий ва моддий зарар келтиради.

Бруцеллёз касаллиги қадим замонлардан бери халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, Гиппократ уни «тердлаш иситмаси» деб атаган бўлса, туркман халқи орасида бу касаллик «эчки иситмаси», ўзбекларда эса «қора оқсоқ» деб юритилган.

Бруцеллёз Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларида кенг тарқалган касалликдир. Шуни айтиш керакки, бруцеллёз чорвачилик ривожланган давлатларда ва алоҳида территорияларда кўпроқ учрайди. Бунинг сабаби касаллик аввало қорамол, қўй, эчки, чўчқа ва уй ҳайвонлари орасида тарқалиб, улардан тезда одамларга ўтади.

Касалликни қўзғатувчи асосий омилларидан бири майда микроблар бўлиб, улар бруцеллалар деб аталади. Бруцеллаларнинг олти тури тафовут қилиниб, ҳайвонларда бу касаллик тарқалишига кўра турлича номланади. Масалан, йирик шохли қорамоллар орасида касалликни бруцелла абортус, майда шохли молларда бруцелла мелитензис, чўчқаларда бруцелла суис, қўйларда бруцелла свис, итларда бруцелла канис ва ниҳоят каламушларда бруцелла неотома каби микроблар келтириб чиқаради.

Юқорида қайд этилган бруцеллалардан мелитензис ва суис каби микроблар одамлар учун хавф туғдиради. Бу микроблар билан зararланган одамларда касаллик оғирроқ ўтиб, узоқ муддат давом этади. Бруцелла мелитензис фақатгина майда шохли ҳайвонлар орасида касаллик келтириб чиқариш қобилиятига эга бўлибгина қолмай, балки бошқа тур ҳайвонлар ва одамлар учун ҳам хавфли ҳисобланади.

Бруцеллалар ташқи муҳитга чидамли бўлиб, улар совуқда 4—5 ойгача, тузланган терида, сувда, нажасда 2 ойгача, тузланган гўштда, сут маҳсулотларида 35—45 кунгача яшайдилар.

Бруцеллёз билан касалланган уй ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари — сигир, қўй, эчки, бузоқ, ҳўкиз, чўчқа ва итлар касаллик манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ҳайвонлардан бруцеллалар ташқи муҳитга сути, гўшти, жун, териси, пешоби орқали ажралади. Бу микробларнинг организмга кириб, то касаллик кўзғатишигача бўлган давр яшириН давр деб аталади, бу давр одатда 2—3 ҳафтадан 2—3 ойгача давом этади.

Касалликнинг яширин даврида бруцеллёз белгисиз ўтади, сўнг аста-секин клиник белгилар пайдо бўла бошлайди.

Касаллик бошланиши ва беморларда кай ҳолда кечишига кўра ўткир, ярим ўткир ва сурункали формаларга бўлинади.

Касалликнинг ўткир даври беморларда эт увишиши, ҳароратнинг кескин кўтарилиши, терлаш, оёқ ва қўлларнинг қақшаб оғриши белгилари билан ўтади. Бемор ўз вақтида врачга мурожаат этмаса, касаллик авжига олаверади.

Бу даврда вақти-вақти билан ҳароратнинг кўтарилиши, терлашнинг кучайиши, оёқ ва қўлларда, мушакларда, бўғинларда оғриқнинг турғунлашиши, жигар, талоқ, лимфа безлари жароҳатланиши аломатлари рўй беради. Шу сабабли беморлар иш қобилиятини йўқотадилар ва касалликнинг сурункали формасига ўтишига сабабчи бўладилар. Бруцеллёзнинг сурункали шакли 2 хил бўлиб, улар биринчи ва иккиламчи сурункали шакллар деб юритилади. Бирламчи сурункали шаклда касаллик аста-секинлик билан бошланиб, бўғин ва мушаклардаги оғриқ вақти-вақти билан титраш ва кучли бўлмаган терлаш аломатлари, борган сари мушак ва бўғинларидаги оғриқнинг кучайиши, ҳароратнинг нормал бўлиши, шунингдек ички органларнинг зararланишидан ҳарактерланади.

Иккиламчи сурункали бруцеллёз эса беморни касалликнинг ўткир ва ярим ўткир даврларида даволанмаганлиги натижасида келиб чиқарадиган фор-масидир. Бундай ҳолларда беморни даволаш учун узоқ муддат талаб этилади.

Демак, бруцеллёзнинг ҳамма шакларига маълум клиник белгилар хос бўлиб, касаллик бўғин ва мушакларда, иерв толаларининг йўғаниШида оғрик, терлаш, бўғинларда шиш пайдо бўлиши, мушакларнинг яхши букилмаслиги, ички секреция безларининг жароҳатланиши, жинсий органлар функцияларининг бузилиши аломатлари билан ўтади.

Ҳозирги вақтда медицина фани эришган ютуклари туфайли бруцеллёзни бутунлай даволашга эришилди. Беморларнинг қанчалик тез ва ўз вақтида врачга мурожаат этса, шунчалик касалликни тез даволашга эришиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, касалликнинг олдини олиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан нималарга риоя қилмоқ даркор? Бунинг учун аввало одамлар ва ҳайвонлар орасида бруцеллёз касаллигини ўз вақтида аниқлаш, улар орасида медицина ва ветеринария-санитария тадбирларини амалга ошириш зарур. Медицина ва тегишли ветеринария-санитария тадбирларини фақатгина колхоз ва совхозлардагина ўтказибгина қолмай, балки шахсий хўжаликларда, корхона ва гўшт-сут комбинатларида, озиқ-овқат саноатида, умумий овқатланиш жойларида кенг тарада олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Гўшт ва сут маҳсулотларини фақат қайнатиб, сутларни эса пастеризация қилингандан сўнг истеъмол қилмоқ зарур. Бруцеллёз билан касалланган ҳайвонларни дарҳол гўштга топшириш, уларни фермаларда қолдирмаслик, касалланган ҳайвонлар турар жойларида тегишли дезинфекция воситаларини ўтказиш керак.

Бруцеллёз ҳайвонларнинг гўштини 2 ой мобайнида тузланган ҳолда сақлаш ёки гўштни қолбасага айлантириш, жун ва терилари эса тузланган ҳолда сақлаб, тегишли санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда транспортировка қилиш маслаҳат берилади. Бруцеллёз ҳайвонларнинг сут ва гўштларини ишлаш даврида хизматчилар махсус кийимлар билан таъминланиши керак.

Ҳар бир ишчининг махсус уй ва иш кийимларини корхонада алоҳида яшик ва шкафларда сақлаш зарур.

Иш даврида тегишли дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг учун иш тугагач, кийимларни 3 процентли лизол ёки креолин эритмасидан тайёрланган идишларга солиб, 2 соат давомида зararсизлантирилади. Ишдан сўнг, қўлни ярим процентли хлорамин эритмаси билан, сўнгра совун билан ювиш ва қуруқ сочиққа артиш керак. Шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотлари билан ишлаш даврида хизматчилар қўлни озода тутиши, тирноқларни вақти-вақти билан олиб туриш, қўлларга вазелин суриб туриш, терининг яра ёки кесилиш ҳолларига асло йўл қўймаслик керак.

Чорвачилик ва мол фермаларида, шунингдек гўшт, сут маҳсулотлари, тери, жун билан алоқадор бўлган корхоналарда, уй ҳайвонлари билан боғлиқ бўлган ишчилар мунтазам равишда медицина назоратида бўлишлиги, вақти-вақти билан бруцеллёзга текширилиши ва эпидемиологик кўрсаткичларига кўра бруцеллёзга карши тадбирлар кўриш, шунингдек, эмлатиш лозим.

Медицина кўриги даврида баъзан ишчиларда бруцеллёзга хос мусбат реакциялар намоён бўлиши мумкин. Бундай хизматчиларни ишларидан бошқа ишга ўтказиш ва медицина назоратига олиб ишлик тавсия этилади.

Кейинги пайтларда бруцеллёз ҳайвонлар маҳсулоти билан алоқада бўлган кишилардан ташқари, кенг омма орасида ҳам тарқалиш ҳоллари кузатилмоқда. Шунинг учун сутларни қайнатилган, гўштларни пиширилган ҳолда истеъмол қилиш уй ҳайвонларини тез-тез ветеринария кўригидан ўтказиш, жун ва тери билан ишлаш даврида тегишли гигиена қоидаларига риоя қилмоқ керак.

Демак, бруцеллёз — юқумли касаллик! У касал ҳайвонлардан одамларга юқади. Бруцеллёзни даволаш мумкин! Шуни эсда тутмоқ керакки, бруцеллёзнинг олдини олиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

К. ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон эпидемиология ва микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, медицина фанлари доктори.

• *Буни билиб қўйинг*

МАШИНАДА ШИФОКОР, АПТЕЧКА ҲАМ БОР!

Баъзан, фалокат оёқ остида, дейдилар. Тўсатдан йўлда шикастланишлар рўй бериб туради. Шунинг учун барча автомашиналарда йўл аптечкалари бўлиши шарт. Яқиндан бошлаб «Қизил крест» белгиси туширилган шахсий машиналар пайдо бўлди. Машина эгаси шифокор ёки медицина ходими бўлса, машинадаги бу белги унинг касбидан гувоҳлик бериб туради. Агар йўлда тасодифан шикастланиш рўй берса, бундай машинани бошқарувчини ГАИ ходими тўхтатиб, йўлда шикастланган беморга ёрдам беришни таклиф қилиши лозим. Бу билан йўлда шикастланганларга тез медицина ёрдами берилади ва беморнинг ҳаёти хавфдан сақлаб қолинади.

Умуман олганда, ҳозирги вақтда йўловчи ва автомобиль бошқарувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилишда партия ва ҳукуматимиз катта ғамхўрлик кўрсатмоқда, шу туфайли таксопарк ва автопарклар қошида ишга тушишдан аввал ҳамма ҳайдовчилар медицина кўригидан ўтадилар, агар ҳайдовчи бемор бўлса ишга қўйилмайди, у даволашга юборилади, бундан ташқари, автопарклларда фельдшерлик пунктлари ишлаб турибди.

Йўлда фалокат рўй берганда шикастланган кишига биринчи медицина ёрдамини кўрсатиш учун йўл аптечкаси ҳар бир машинада бўлиши шарт. Йўл аптечкасида қуйидагилар бўлиши керак: валидол таблеткаси, марганцовка, новшадил спирти, йод эритмаси, бинтлар, гигроскопик пахта, қон тўхтатадиган резина жгути, бактериоцид лейкопластир, биринчи медицина ёрдами пакети.

Юқорида айтиб ўтилган дори-дармонларнинг қандай ишлатишни ҳар бир ҳайдовчи яхши билиши керак, шундагина шикастланган одамга ўз вақтида малакали ёрдам бериш мумкин бўлади.

Валидол таблеткаси 10 дона бўлиб, махсус идишда сақланади. Валидол марказий нерв системаси ва юракка тинчлантирувчи таъсир кўрсатади, у томирни кенгайтиради. Кўкрак қисниши, невроз ва истерия касаллигида битта таблетка тил остига қўйиб шимилади. Таблетка тамоман шимилиб кетгунча тил остида сақлаб турилади.

Марганцовка, яъни калий перманганат ҳар хил йўл тасодифларида дезинфекция қилувчи ва қуйдирувчи восита сифатида ишлатилади. Марганцовка йўл аптечкасида махсус шиша флаконда сақланади. Майда кристалл шаклида кўмирсимон модда бўлиб, ишлатиш олдидан қайнаган сув ёки тоза сувда эритилади, сўнг яра атрофига ва унинг устига суртилади. Марганцовка эритмаси бадан куйганда, совуқ урганда кўп ишлатилади. Бунда марганцовканинг 5 процентли эритмаси ишлатилади.

Новшадил спирти ўзига хос ўткир ҳидли, рангсиз тиниқ суюқлик бўлиб, ампулада бир граммдан 10 дона бўлади. Таркибидаги аммиакнинг қитиқловчи таъсиридан беморни ҳушига келтиришда, нафасни қўзғатишда фойдаланилади. Бунинг учун нашатир спиртига шимдирилган бир бўлак пахта ёки дока вақти-вақти билан ҳидлатилади.

Йод эритмаси қорамтир қўнғир рангли тиниқ суюқлик бўлиб, ярага суртиш учун йоднинг 5 процентли ёки 10 процентли спиртли эритмаси ишлатилади. Спиртли йод эритмаси аптечкада флаконда, оғзи бураб очиладиган шиша идишда сақланади. Майда жароҳатларда, бирор жойни кесиб олганда, лат еганда яра атрофи ва устига суртилади. Микробларни ўлдирадиган таъсир кўрсатади.

Бинт асосан сингган суякни тахтакачлаш учун ва ярани боғлаш учун ишлатилади. Бинт ҳар хил размерда, стерилланган ва одий ҳолда бўлади. Стерилланган бинт махсус қоғоз билан ўралган бўлиб, устига стерилланган деб ёзиб қўйилган бўлади.

Гигроскопик пахта медицина пахтаси бўлиб, суюқликни тез шимиб олиш хусусиятига эга. Қон томирлар шикастланганда, тери шикастланиб, қон оқканда шимдириб олиш учун қўлланилади, баъзан яра устидан боғлаш учун ишлатилади.

Қон тўхтатувчи жгут оёқ ёки қўл томирлари шикастланиб, қон оқаётганда уни вақтинча тўхтатиш учун қўлланилади. Жгут одатда жароҳатланган жойда юқорироққа қўйилади. Жгутни қўл ёки оёққа 1,5—2 соатга қўйиш мумкин, чунки бундан ортиқ турса у тўқима ва томирларни эзиб қўйиши мумкин.

Бактериоцид лейкопластир тери чақа бўлганда яра устига ёпиштирилади, бунда лейкопластир юзидаги целофанни олиб ташлаб, унга қўйилган тампонли бинт тери устидан ёпиштирилиб қўйилади.

Биринчи медицина ёрдами пакети. Бу пакет бири қўзғаладиган, иккинчиси қўзғалмайдиган иккита ёстиқчадан иборат, бу, қўлнинг панжаси икки томондан шикастланганда ҳар икки томондан ёстиқчани қўйиб боғлаш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, йўл аптечкасидаги дори-дармонларнинг қандай ишлатилишини оддий шоферлар ҳам мукаммал билиб олишлари ва йўлда лозим бўлганда беморга ўзлари ёрдам бера билишлари керак.

Аптечкадаги дори-дармонларнинг муддати ўтса ёки баъзи дорилар тамом бўлиб қолса, дарҳол унинг ўрнини тўлатиб туришлари даркор.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

НОЗИМ ҲИКМАТ ТУГИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Турк шеъриятида инқилоб азмини тутган Нозим Ҳикмат шеърияти билан ўзбек китобхони кўпдан яхши таниш. Ғафур Ғулом, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Мамарасул Бобоевлар таржимасидаги «Танланган асарлари», Мақсуд Шайхзода таржимасидаги «65 шеър» мажмуаси, Иброҳим Ғафуров таржимасидаги «Сурур» романи ва «Бир севги афсонаси», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Унутилган одам», «Ажал шамшири» пьесалари ўзбек ўқувчилари қалбидан ўрин олган. Бу йил Р. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти улуғ шоирнинг «Инсон манзаралари» эпопеясининг уч китобини шоир Рауф Парфи таржимасида чоп қилмоқда.

Бутун умрини, талантини ва бор имкониятини ҳурриятга, озодликка бахш қилган, асарлари дунёнинг кирқдан ошиқ тилларига таржима қилинган санъаткор Нозим Ҳикмат туғилганига 80 йил тўлди. Сиз қуйида улуғ шоир шеърларидан қилинган янги таржималардан ўқийсиз.

НОЗИМ ҲИКМАТ

Р У Ҳ И Н Г

Руҳинг бир ирмоқдир, гулим,
оқар юқорида тоғларнинг орасида,
тоғлар орасидан яланглик сари,
яланглик сари, яланглик-ла
қовушмоқчун бир турлу,
бир турлу қовушмоқ
уйқуси-ла сукутларнинг,
кенг кўприк боқишидаги
роҳатлигина,
қамишзор-ла,
яшил бошли ўрдаклар-ла,
ялангликнинг юмшоқ
хасрати-ла қовушмоқ учун,
қовушмоқ учун олисдаги
бугдойзорларга тўғри оқар,
оқар юқорида тоғларнинг орасида,
бир тўда-бир тўда
булутларни судраб,
кечалари йирик-йирик
юлдузларни ташиб,
тоғбоши юлдузларини,
мовий қуёшларини-да
тоғбоши, қорларни,
оқар кўприклана-кўприклана,
тубида оқ тошларни
қора тошларга қориштириб,
оқар оқимга қарши сузган
балиқлари-ла,
айланмаларда чидам билан оқар,
ўз парвозидан яйраб,
завқланиб оқар,
ўз овози билан дали девона,
оқар юқорида тоғларнинг орасидан,
тоғларнинг орасидан яланглик сари,
яланглик сари, ялангликни қувлаб,
яланглик-ла қовушмоқдан бир турлу.

1960.

БУЛУТЛАР ОДАМ ЎЛДИРМАСИН

Оналардир одам этган одамни,
У бир ойдинликдир, йўлни ёритар.
Сизларни ҳам она туғмаганми!
Оналарга қиймаган, афандилар!
Булутлар одам ўлдирмасин!
Югуради олти ёшли бир ўғлон,
Варраги учади дарахтлар оша
Сиз ҳам бола эдингиз-ку бир замон,
Болаларга қиймаган, афандилар!
Булутлар одам ўлдирмасин!
Келинлар йўл қараб, сочини тарар,
Кўзгуга жилмайиб сочини ўрар,
Бу гўзал жоноплар сизларни ўйлар,
Келинларга қиймаган, афандилар!
Булутлар одам ўлдирмасин!
Ёшини яшаган ҳар бир одамнинг
Шкрин хотиралар бўлар ҳамроҳи,
Ахир, сиз ҳам бир кун қари
бўларсиз,
Қарилларга қиймаган, афандилар!
Булутлар одам ўлдирмасин!

Туркчадан Тилак ЖЎРА таржимаси.

ШАҲРИМИЗ МАКТАБЛАРИДА

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ДЎСТЛИК КЛУБИДА

Собир Раҳимов районидаги В. И. Ленин номли 28-мактабда интернационал дўстлик клуби ишлаб турибди. Унинг аъзолари чет эл мамлакатлари пионерлари билан хат орқали танишиб, уларнинг ҳаёти ҳақида қўллаб қизиқарли маълумотларни билиб олишмоқда. Бундан ташқари ўзбекистонда таълим олаётган чет эллик студентлар билан учрашувлар ҳам ўтказилмоқда.

Куни кеча Тошкент Давлат университетининг бешинчи курсида ўқиётган Куба студентларидан Рохелио Бермундес, Дональ Торрес, Эмилио Родригес ва полиграфия техникуми талабаларидан Конголик Виктор Ибара, панамалик Хуан Касте таклиф қилинди. Студентлар ўқувчиларга ўзларининг она тилларида ва рус тилида шеър ва қўшиқлар айтиб беришди. Шундан сўнг меҳмонлар мактабдаги В. И. Ленин музейи билан танишдилар.

СУРАТДА: Куба студенти Р. Бермундес клуб аъзоларига дастхат ёзиб бермоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент халқаро кинофестивалининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори 24 май куни яна Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинематографчиларини Ўзбекистон пойтахтига тўплайди. Еттинчи марта ўтказилаётган шу мўътабар кинокўрикда юзтадан кўп мамлакат ва халқаро ташкилот қатнашиши кутилмоқда. Москвада СССР кинематография Давлат комитетида ўтказилган матбуот конференциясида шулар маълум қилинди.

Ҳозир ер юзида актив ривожланаётган деярли барча миллий кинематограф ия лар Тошкент халқаро кинокўриги йилномасида қайд этилган, деб таъкидлади фестивалнинг бош директори А. Абдуллаев. Кинофестиваль доирасида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуида ижодий мунозара бўлиб ўтади. Кинообзор ишлаб туради.

(ТАСС).

АЖОИБОТЛАР ОЛАМИДА

СПИДОМЕТРДА—2 МИЛЛИОН КИЛОМЕТР

Автомобиллар орасида кўпга чидаш рекордлари қайд этилганида Железноводск автотранспорт корхонасига қарашли самосвал тўла ҳуқуқ билан рекордчи номига даъвогар бўла олар эди.

Улуғ Ватан уруши туғаши биланоқ Лихачев номли Москва автозаводи конвейерида йиғилган самосвал ўшандан бери ҳар хил юклар ортиб йўлларда ва йўлсиз жойларда жами 2.000.000 километр йўл босди. Қўйингчи машина бутун бир колонна уддалайдиган юкни ташиди.

Транспортчилар тобора кўпроқ янги қувватли машиналар олиб турган ҳозирги пайтда бу самосвал хизматини ўтаб бўлган техникининг одатдаги қисмати — темир-терсакка топширилишда ҳоли бўлди. Ветеран ҳайдовчиларнинг таклифига биноан уни Ватан автомобилсозлиги ҳурматига, машиналар умрини узайтира биладиганлар шарафига корхона дарвозасидан сал наридаги супага ўрнатилди.

Н. СТЯЖКИН,
ТАСС мухбири.
Железноводск,
Ставрополь ўлкаси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. НУРМАТОВ: Эшитишимга қараганда умумий овқатланиш корхоналарининг ишловчи ходимларга қўшимча отпуска берилар экан. Шу гап тўғрими?

Жавоб: Чиндан ҳам умумий овқатланиш корхоналарининг бир қатор категориядаги ходимлари қўшимча отпуска олиш ҳуқуқидан фойдаланишади. Масалан, зararли меҳнат шароитида — қайноқ плита олдида ишлагани учун ошпазга олти кунлик қўшимча отпуска берилди, пиширув шкафи ёнида ишлаган қандолатчи ҳам шундай ҳуқуққа эгадир. Бунда улар отпускасининг умумий давомилиги 18 иш кунини ташкил этади. Иш куни чегараланмаган умумий овқатланиш корхонаси ва ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ҳам 12 иш кунигача бўлган муддатга (отпусканинг ҳаммаси 24 иш куни бўлади) қўшимча отпуска ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бироқ, мутахассисларга ва техник ижрочиларга қўшимча отпуска бериш муддати олти иш кунидан ортиқ бўлмаслиги (отпусканинг ҳаммаси 18 иш куни бўлади) керак.

∴ ∴ ∴

Б. СОҚИЕВА: Айтишингча, Тошкент шаҳрида чармдан тайёрланган пальтоларни бўяб берадиган устахона борми?

Жавоб: Шаҳримизнинг Западная кўчасидаги 1-уйда жойлашган «Химчистка» фабрикасида аҳолига турли хил маиший хизмат турлари кўрсатилмоқда. Жумладан, бу ерда кийим-кечаклар турли рангларга ҳам бўяб берилади. Бундай юмушлар орасида чармдан тайёрланган пальтоларни бошқа рангларга бўяб бериш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Фабрикага 14, 24, 28-трамвайлар, 18-автобус, 13-троллейбуса борилиб, «Западная» бекатида тушилади.

∴ ∴ ∴

Н. БОБОЕВ: Ишхонамиздан бизнинг ойламизга тўрт хонали шинам уй беришди. Янги уйнинг ўзига хос янгича ташвишлари ҳам бўлади, албатта. Жумладан, эшикларга қўнғироқ, кўзча, қулф ўрнатиш ва бошқа юмушлар шулар жумласиндир. Билишимча шаҳримиздаги аҳоли буюртмаси бўйича шундай юмушларни бажариб берадиган ташкилот бор экан. Шу ташкилотнинг фаолияти билан таништиришингизни сўрайман.

Жавоб: Дарҳақиқат, янги уйга кўчиб кириш қувончли воқеа. Квартирани шинам қилиш бўйича катта ва кичик ишларнинг орасида шундай юмушлар чиқиб қоладики, баъзан уларни бажариш ўзимизнинг қўлимиздан келмайди ёки умуман вақтимиз етмай қолади. Шундай пайтларда Тошкентдаги «Сервис» фирмаси ҳар бир кишининг яқин ва ишончли ёрдамчиси бўла олади. Бу фирманинг махсус хизмат кўрсатиш бригадаси бўлиб, бу бригада янги уйга кўчиб кирган уйнинг эгаси хоҳишига биноан эшикларга қўнғироқ, қулф, кўзча ўрнатиб беришади, деразаларни маҳкамлашади, ётоқхоналарини пардалашади, қандилларни осишади. Бундан ташқари бригада йиғитлари эшикларнинг қулфларини алмаштиришади, эски мебелларни пардоздан чиқаришади, эшикка дерматин қоплашади, қандилларни бир хонадан иккинчисига олиб ўтишади. Буюртмаларни «Сервис»нинг марказий уйига бериш мумкин. У Навоий кўчасидаги 30-«А» уйда жойлашган.

∴ ∴ ∴

Р. ҲИКМАТОВА: Шаҳримизда пальтоларни қайта тикиб берадиган устахона борми?

Жавоб: Шаҳримизда кийим-кечакларни ремонт қилиб берадиган комбинат бор. Бу ерда тажрибали усталар ишлашади. Шу ҳақдаги қўшимча маълумотларни 33-14-44 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-клиник касалхонасида бир минг иккі юз эллиққа яқин бемор даволанмоқда. Уларга бир минг тўққиз юз эллик саккиз ходим хизмат қиляпти. Шулардан уч юз уч малакали врач, олти юз йигирма етти ҳамшира, йигирма бир профессор, йигирма бешдан зиёд медицина фанлари кандидати ва доцентлар намунали хизмат кўрсатишиб, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишмоқда.

СУРАТДА (ўнгдан): нефролог врач, медицина фанлари кандидати Раҳмонқул Суванов, нефрология бўлимининг мудири Анвар Искандаров, катта ҳамшира Людмила Чудаева, ҳамширалар Муяссар Тошматова, Нафиса Абдураҳмоновалар беморнинг касаллик варақасини муҳокама қилишяпти.

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

ШИРИНСУХАН

Ҳар бир шифокор беморнинг дардини аниқлаб, сўнг дори-дармон беради. Моҳир шифокорнинг ҳаталикни тўғри топади. Медицина фанлари кандидати, ширинсухан шифокор Обиджон ака Орифжонов ана шундай моҳир врачлардан бири. У беморга дори-дармонларни тўғри, шифобахш тарзда бериш билан бирга, яхши муомаласи, ширин забони билан ҳам даволайди.

— Менинг устозим машҳур профессор, ажойиб кардиолог олима Зулфия опа Умидова бўлди, — дейди Обиджон Орифжонов фахр билан. — Шифокор олимлардан жуда кўп нарса ўргандим, кандидатлик диссертациясини ёқладим. Зулфия опа ёш кадрларни тарбиялашга катта эътибор бердилар. Мен ҳам уларнинг изларидан бориб, беморларни даволаш билан бирга, бўлажак ёш медикларга институтда лекциялар ўқияпман.

Медик-олим, яхши шифокор Обиджон Орифжонов Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-клиник касалхонасида кўп йиллардан бери одамлар саломатлиги учун жон куйдириб келяпти. Ўтган йили партия ва ҳукуматимиз унинг камтарона меҳнатларини тақдирлаб, «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлади.

— Саломатлик кўп жиҳатдан одамнинг асабига боғлиқ,—дейди Обиджон Орифжонов. — шунинг учун асабни ҳеч қачон бузмаслик керак. Асаб бузилдими, юракка зарбаси тегади. Юракни авайлайман деган одам ширин забон бўлиши лозим.

Одамларга меҳр-муҳаббат билан хизмат қилаётган шифокорга даволаш ва илмий ишларида омад тилаймиз.

Шоҳида ОБИДОВА.

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Оқиндининг нафи

Фарғона — Марғилон саноат узелининг оқинди суви анализ қилиб кўрилганида унда нефть маҳсулотлари, турли смола, сульфат, хлорид, металл оксидлари анчагина эканлиги маълум бўлди. Бундай сувдан хўжалик мақсадларида фойдаланиб бўлмайди. Саноат оқинди сувн биологик ҳовузларда тиндирилса манзара тубдан ўзгаради: нефть маҳсулотлари, фенол ва бошқа зararли модалар йўқолиб кетадию аммо ўсимликнинг ўсишига самарали таъсир кўрсатувчи кўпгина актив бриқмалар қолаверади. Шундай сув гектар бошига пахта ҳосилдорлигини икки-уч центнер оширади, канop, баъзи бошқа экинлар етилишини қарийб бир ҳафта тезлаштиради.

Фарғоналик химиклар атроф муҳитни муҳофаза қилиш программасига мувофиқ ўтказган тадқиқот натижалари илмий асосланган тавсияларда умумлаштирилди ва амалда фойдаланиш учун деҳқонларга топширилди. Олимлар янгитдан суғорилаётган ерларда ва озуқа моддалари кам ерларда тозаланган саноат оқиндиси ишлатишни айниқса тавсия қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

• Шарқ меъморчилиги тарихига бир назар

АСРЛАР ОШГАН НАФОСАТ

Ўзбек халқи азалдан нафосат шайдоси бўлган. У кундалик турмушда ишлатиладиган ҳар қандай буюмни ниҳоятда чиройли, бежирим этиб ясашга ҳамма вақт ҳам алоҳида эътибор бериб келган. Халқимиз ижодкорлигининг юксак дид-фаросати ва бетакрор истеъдодига четдан келганлар ҳам қойил қолганлар.

Қадим замонларда одамлар пишитилган лойдан ҳар хил идишлар ясаб, уни ўтда қаттиқ қиздиришган ва тайёр ҳолига келган маҳсулотни турли мақсадларда ишлатишган. Ўрта Осиёда сирланган сопол ишлаб чиқариш тарихи кўп қадим замонларга бориб тақалади. X —XII асрларга келиб эса сир берилган кулолчилик буюмлари ясаш санъати ўзининг гоят юксак тараққиёт даражасига етган. Бу даврлардаги сопол идишлар ўз шаклининг ихчамлиги, гуллар ва бошқа тасвирларнинг кўркамлиги, жозибадорлиги билан киши диққатини ўзига тортади. Мазкур буюмларга қизил, яшил, қора ва бошқа рангдаги бўёқлар билан нафис нақшлар, ўсимлик ва турли жонзодларнинг тасвирлари моҳирона туширилган.

Бу хилдаги кулолчилик маҳсулотларни меъморчилик қурилишларида ҳам кенг миқёсда қўлланилган. Негаки, махсус пиширилган сирли, чиннисимон кошинлар (плиткалар) биноларнинг фақат кўрки-салобатини оширибгина қолмай, балки уларни чанг ва намгарчиликдан сақлаб, узоқ вақтлар туришлигини ҳам таъминлар эди. Масалан, ана шундай кошин-плиткалар қўлланилган ва бугунда бизгача етиб келган ҳамда халқимиз фахри, ғурури, ифтихорига айланган масжид, мадраса, мақбаралар, осмонўпар миноралар, кошона саройлар — миллий тарихий меросимиз ёдгорлик обидалари шубҳасиз бунинг ёрқин далилидир.

Ёдгорлик обидаларининг ички ва ташқи интерьер безакларидаги товус каби товланиб турган рангларни юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўтмиш замонларнинг нодир усул ва услублари, яъни бир умрга ўчмас мозаик бадиий кулолчилик асосида ишлагандир. Булар Ўрта Осиё шаҳарларига ўтмишда ва ҳозирда ҳам албатта ўзига хос ҳусн бахш этиб келмоқда. Меъморчиликда кенг қўлланилган бундай махсус пиширилган чиннисимон кошинларни тайёрловчиларни кошинпазлар дейишган.

Маълумки, Шарқ меъморчилигида ишлатилган кошинлар тез-тез ўзгарувчан табиат, об-ҳаво таъсирига бардош бера олгани, кўп асрлар мобайнида сири мутлақо ўзгармаганлиги билан диққатга сазовордир. Ҳар бир касбнинг ўзига хос сир-асрори бўлганидай, кошин ишлаш ва уни сақлаш усули ҳам шубҳасиз маҳфий «сир» тутилган. Шунга кўра, XVIII-XIX асрлар ҳамда XX аср бошларига келиб, бу қадимий анъанавий кошин ишлаш санъати тамомила суслашиб, эътибордан қолиб, унинг сирини биладиган усталар камайиб кетганди. Лекин, 1920 йилларга келиб, бу ҳунар яна қайта тиклана, жонлана бошлади. Бунда самарқандлик Абдуқодир Боқиев, Умар Жўрақулов, Усмон Умеров, тошкентлик машҳур кулолсоз усталардан Туроб Миралиев, Муҳиддин Раҳимов, риштонлик Иброҳим Комилов ва бошқалар кошин ишлаш устида тинимсиз изланиб, самарали меҳнат ютуқларини қўлга киритганлар.

Ҳозир мазкур санъат тури кенг ривожланиб, тараққий этишда давом этмоқда. Умуман, кулолчилик, керамикада доимий ишлатиладиган сополларнинг ранглари ҳақида гап кетганда, шуни айтиш мумкинки, қадимги мусаввир(рассом)лар, уста кулоллар, бинокорлар ва бошқа нарсалар учун керак бўлган ранглари фақат ўзлари турли хил моддалардан табиий усулда тайёрлаганлар.

Ҳозирда Тошкент экспериментал амалий-ижодий кулолчилик санъати комбинатида ишлаб чиқарилаётган бадиий сопол буюмлари ўзининг чидамлиги, ташқи кўриниши, гулдорлиги, сифати жиҳатидан сира қолишмайди, балки устунлик қилади. Бунга корхонада ишлаб чиқарилаётган бир қатор маҳсулот турларига давлат Сифат белгиси берилганлиги фикримизнинг мисолидир. Ҳозирда комбинатда 70 дан ортиқ керамика маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бир қатор буюмлар чет элларга ҳам экспорт қилиняпти. Комбинат ишчилари ҳар йили ярим миллион сўмликдан зиёд кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар.

Ҳозирда керамика плиталари шаҳримизда бунёд этилаётган муҳташам биноларнинг ички ва ташқи безакларида ишлатилмоқда. Чунончи «Москва» меҳмонхонасининг безагида биринчи марта ана шундай керамика, плиталари қўлланиляпти. Керамика плиталари арзон бўлиш билан бирга, қурилаётган объектларнинг ташқи кўринишига жозибадорлик бахш этади. Сопол плиталарни ҳар хил формада ишлаб чиқариш қулай ва осондир. Шунинг учун ҳам келгусида бунёд этилаётган муҳташам биноларнинг пардозида сопол плиталар кенг қўлланилади.

Х. ЗАИНИДДИНОВ,
Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти республика правленнесининг консультанти.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ЯНГИ АВТОБУС ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА

Пойтахтимиз кўчаларида қардош Венгриядан олиб келинган «Икарус» автобусларининг турли авлодини кўриш мумкин. Шу кунларда қатновга қўйилган икки салонли автобуслар ўтмишдошларидан чиройлилиги, қулайлиги билан фарқ қилади.

Венгрия «Икарус 280» маркали янги автобусдан бу йил 12 тасини етказиб беради. Бугунги кунда шундай автобуслардан 8 таси ҳамшаҳарларимиз ихтиёрида. Бу автобусларни шаҳардаги 2-автопарк шоферлари бошқаришмоқда. Автобус икки салонли бўлишига қарамасдан шоферлар ярим автоматлар ёрдамида уларни енгил бошқармоқдалар. Бу юқори қулайликка эга бўлган автобуслар энг узоқ ва пассажирлар билан гавжум бўлган 60, 48, 51, 8, 72-маршрутлар бўйича қатнамоқда. Янги автобуслар автопаркнинг энг илғор ҳайдовчилари бошқаришмоқда. 8-маршрут бўйича қатнаётган автобусларни Фёдор Усков ва Эдик Васильев, 72-маршрут бўйича эса Р. Расулов билан В. Батаевлар бошқаришмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.
СУРАТДА: Тошкент кўчаларида янги автобус.
Автор фотоси.

СПОРТ

ИККИ КУРАШЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон досаафчилари янги спорт мавсумини бошладилар. Тошкентда ҳарбий-амалий иккикураш бўйича республика шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Енгил атлетика югуриши ва кичик калибрли милтиқдан тез отиш мусобақалари ҳам программага киритилди.

Спорт мастери Лилия Тулиева бошқа қатнашчилардан анчагина ўзиб кетиб, мусобақа икки тури натижаси бўйича хотин-қизлар ўртасида ғолиб чиқди. Самарқандлик спортчи қиз ўтган мавсумда Бутуниттифоқ биринчилигининг кумуш мукофоти билан тақдирланганди. Ў 1500 метр масофага югуришда алоҳида юксак натижа (4 минут 53,8 секунд) кўрсатиб, янги йилдаги беллашувларни ҳам муваффақиятли бошлади.

Шахсий биринчилик учун эркаклар мусобақасида ҳам самарқандлик Геннадий Чумичкин ғалаба қозонди. Мукофотлар учун катта ёндаги спортчилар билан бирга ёш досаафчилар ҳам беллашди. Бунда наманганлик Вячеслав Кондаков муваффақиятга эришди.

Команда ҳисобида Фарғона ва Наманган спортчиларидан ўзиб кетган Самарқанд области досаафчилари биринчи ўринни эгаллашди. Ўтган йилги чемпион тошкентлик спортчилар бу гал тўртинчи ўриннигина олишди.

(ЎзТАГ).

• *Фан изланишлари*

ОРОЛ БЎЙИНИНГ ФОСФОРИТ РЕЗЕРВИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси маҳаллий филиали билан Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг бу ерда «унумдорлик тоши» ётқизиқларининг тарқалиш қонуниятларини ўрганиб чиққан олимлари Қорақалпоғистон территориясида йигирматадан кўп фосфорит конлари борлигини аниқладилар. Улар Қоплонқирда қариб 200 километр масофа бўйлаб фосфоритли жинслар чиққан жойларни кўришга муваффақ бўлдилар. Бошқа бир қанча конлар ҳам қазиш учун яхши истиқболга эга. Тадқиқотчиларнинг чамаларига кўра, Қорақалпоғистон фосфорит запаслари 100 миллион тоннадан ошади. Географик ҳолати, энергия ва транспорт билан таъминланганлиги, етарлича меҳнат ресурслари шу конларни саноат кўламида қазиш учун қулай иқтисодий заминлар яратади. Бунинг натижасида Автоном республиканинг ўзинигина эмас, шу билан бирга Хоразм деҳқонларини ва Туркманистоннинг атроф районларини ўғит билан таъминлаш мумкин бўлади.

(ЎзТАГ).

Беруний номли Тошкент политехника институтида жуда кўп студентлар касб сирларини мукаммал эгаллашмоқда.
СУРАТДА: (чапда) умумий техника факультети физика кафедраси ассистенти Ҳалима Асқарованинг студентлар билан лаборатория дарси олиб бораётган пайтда кўриб турибсиз.
И. Шоиноғомов фотоси.

БУ-ҚИЗИҚ

АДАБИНИ ЕДИ

Қалмоғистондаги «Ленинский» совхози ишчиси В. Бюрчиев олақарғаларнинг ҳавода катта қирғий билан олишуви шоҳиди бўлди.

Бир гала қуш қурбонини чангаллаб олган йиртқични таъқиб этиб борарди. Паррандаларга емиш камайган қишда қирғий анқайган олақарғани илиб кетган. Бу эса унинг галасидагилар дадил ҳужум қилишларига сабаб бўлган. Олақарғалар йиртқичнинг бошини чўқилайвериб, чангалидаги ўлжасини ташлаб юбориш даражасигача ҳолдан тойдирдилар. Чангалдан қутилган қарға бир фурсат тошдек пастга тушаверди, сўнгра оҳистагина қаноатларини ростлади ва халоскорлари ҳамроҳлигида учиб кетди.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/Іда **Абу Али ибн Сино**, 21/Іда **Қизил яйловдаги нўк тулпорлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/Іда **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 21/Іда **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/Іда **Гуноҳкор авлиё**, 21/Іда **Отасининг қизи.**

КИНО

21 ЯНВАРДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ОПТИМИЗМ ҚОНУНИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ТАПЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРИШ» — **Фестиваль.**

«МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК» — **Қозоғистон.**

«БУЙСУНМАСЛАР» — **Искра.**
«ЙИЛ БОШИДА» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТЕҲРОН — 43» **Мир** (11, 14, 17, 20.00, телефон 91-08-30, **Ғафур Ғулом номли** (11, 14, 17.00 20.00, телефон 48-42-80), **Тинчлик** (12.30, 15.30, 18.30, 21.00).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ЭРКАКЛАР» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ 17 — «ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй) ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРГА

ОБУНА ЎТКАЗМОҚДА

Л. ЛЕОНОВ. 10 томлик. 1 сўм пай пули берилади.
Г. МАРКОВ. 5 томлик. 1 сўм пай пули берилади.
БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИНГ ТАРБИЯЧИСИ КУТУБХОНАСИ. 10 та китоб. 50 тийин пай пули берилади.

Г. В. ЛЕЙБНИЦ. 4 томлик. 2 сўм пай пули берилади.
А. ХЭМ, Д. КОРМАК, ДИСТОЛОГИЯ. 5 томлик. 1 сўм 50 тийин пай пули берилади.

П. ЗЕНГБУШ. МОЛЕКУЛЯР ВА ТЎҚИМАЛАР БИОЛОГИЯСИ. 3 томлик. 1 сўм 50 тийин пай пули берилади.
ОБУНА ЎЙИНИДА ҚАТНАШИШНИ ИСТОВЧИЛАР 23 ЯНВАРЬ СОАТ 10.00дан 18.00гача РЎЙХАТГА ЕЗИЛИШЛАРИ МУМКИН.

Ўйин 24 январь соат 10.00да ўтказилади.
ОБУНА ПАЙИДА МАҲАЛЛИЙ ПРОПИСКАГА ЭГА БЎЛГАН ПАСПОРТ БЎЛИШИ ШАРТ.

Улуғ Ватан урушн инвалидлари учун рўйхатга ёзилиш ва абонементлар бериш якшанба куни — 24 январь соат 11.00да ўтказилади.

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ
1982 — 83 ЎҚУВ ИЛИДА ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАРНИ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларида математика ва она тили бўйича машғулотлар ўтказилади.
Техникумдаги кийимларни конструкциялаш ва моделлаштириш, чармларни бадиий безаш ва пойабзалларни моделлаштириш ихтисосликлари бўйича киришни хоҳловчилар учун қўшимча равишда расм фанидан машғулотлар ўтказилади.
КУРСЛАРГА 8 — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҲАМДА 8 — 10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
ЎҚИШ 22 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.
Мурожаат учун адрес: 700015, ГСП, Пролетар кўчаси, 26-уй, 5-хона (16.00дан 21.00гача). Телефон 33-40-89.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА
техника бўлими бошлиғи ўринбосари ва инженери, бош механика бўлими катта инженерлари, илмий лаборатория бошлиғи ва инженери, меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш бўлими бошлиғи ва инженери, етакчи конструкторлар, конструкторлар, техника ҳавфсизлиги бўлими бошлиғи, ускуналарни лойиҳалаш бўлими сектори мудири, илмий-тадқиқот лабораториясининг мудири, архитектура бўлимининг мудири, автоматика бўлими мудири, катта иқтисодчилар, ревизия бўйича бош бухгалтер ўринбосари, граждан мудофааси бўйича катта инженер.

1-АВТОКОМБИНАТГА
шоферлар, секретарь-машинистка.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА
катта бухгалтер-ревизорлар, бухгалтерлар, иқтисодчилар, лойиҳачи-инженерлар, секретарь машинистка.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
кўкаламзорлаштириш ишчилари, йўл ишчилари, шоферлар, қоровуллар, суғориш бўйича инженерлар ва ишчилар, склад мудири, ҳисоб бўлими бухгалтери, таъминот бўйича агент.

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИГА
юкчилар, электр-газ пайвандчилар, бўёқчилар, авиатехниклар, автослесарлар, сантехниклар, ўниш аппаратларини ювувчилар, санитаркалар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
буфетчилар, идиш-товоқларни ювувчилар, ошхона ишчилари, ветеринария врачлари.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТОШКЕНТ «ТАШПЛОДООВОШЧ» ШАҲАР БИРЛАШМАСИ
САБЗАВОТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛАДИГАН КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга Тошкент шаҳри, Тошкент областининг Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларида яшайдиган 16 ва ундан катта ёшдаги қизлар ва йигитлар қабул қилинади.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), 6Х9 см. ҳажмдаги 2 дона фотосурат.
ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 52 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МЕВА-САБЗАВОТ МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.
Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 60-уй (2, 18, 19-автобуслар, 1, 4, 8, 10-троллейбуслар; 2, 3, 22-трамвайларнинг «Округ офицерлар уйи» бекати, метронинг «Октябрь инқилоби» станцияси), 33-58-35 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.
ТОШКЕНТ «ТАШПЛОДООВОШЧ» ШАҲАР БИРЛАШМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ЧОРШАНБА — 20 ЯНВАРЬ
Марказий телевидениенинг биринчи программаси

17.45 Халқ чолғулари ижрочиларининг концерти. 18.15 «Горнчилар, қаердасиз!». 19.00 «Кувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамма учун стадион». 20.00 М. И. Глинка мавзуларига вариациялар. 20.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Поэзия». Носим Ҳикмат. Туғилган кунинг 80 йиллигига. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 И. Стравинский. «Муқаддас баҳор» балетидан сюита. 24.00 Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон кубоги. Швейцариядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Ҳайвонот боғи бўйлаб». 18.15 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш муҳбирларнинг Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исмоил Орипов билан учрашуви. 18.45 «Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма зали». Ўзбекистон ССР халқ рассоми К. П. Чепраков (рус). 19.10 «Илғор тажриба мактаби». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Рассом ва шиша». Телефильм. 20.00 Адабий театр Б. Бойқобилов. «Сонетлар гулдастаси». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Х. Лутфуллаев ва Н. Мадраҳимовалар концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қора консулнинг ҳалокати». Бадиий фильм. 23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ПАЙШАНБА — 21 ЯНВАРЬ
Марказий телевидениенинг биринчи программаси

9.00 «Время». 9.40 «Юний москвич» болалар хореографик коллективининг концерти. 10.10 «Усталар шаҳри». Телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск). 10.30 Харьковдаги «Серп и Молот» заводи Маданият саройи революцион қўшиқлар халқ ансамблининг чиқиши. 10.55 «Горнчилар, қаердасиз!». 11.40 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программасиҳ «Смольний, Ленин кабинети». «Революция давом этади» («Леннаучфильм»). 15.55 Совет қўшиқларидан концерт. 16.25 Шахмат мактаби. Разрядлилар учун. 16.55 М. Горький. «В. И. Ленин». Очеркдан парчаларни СССР халқ артисти Ю. Яковлев ўқийди. 17.55 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг биринчи ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Г. Л. Смирнов иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Рига «Аве Сол» хорининг чиқиши. 19.40 «Ленин ҳақида ҳикоялар». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Киндинов ўқийди. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Л. В. Бетховен. 8-соната. «Патетическая». РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Доренский ижро этади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

11.55 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Н. А. Некрасов лирикаси. 12.40 ва 13.45 Зоология. 7-синф. Қушларнинг биологик хусусиятлари. 13.05 Н. Асеев поэзияси. 14.10 «Ранг ва куй». Илмий-оммабоп фильм. 14.25 «Поёнсиз кўча». Бадиий фильм. (субтитр билан). 16.50 Янгиликлар. 18.45 «Ленин Швейцарияда етти йил». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 1-зарбдор армия ветеранларининг учрашуви. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.30 Футбол бўйича «Неделя» ҳафталигининг совғини учун Халқаро турнир. «Динамо» (Москва)— «Динамо» (Берлин). 2-тайм. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Ижорск батальони». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ленинга мактуб». Телефильм. 12.15 Мактаб ўқувчиларя учун. «Санъат гунчалари» (такрорий). 12.45 «Қора консулнинг ҳалокати». Бадиий фильм. 14.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ленинград булбулчалари». Болалар учун фильм-концерт. 18.50 «Ленинга икки қадам қолганда». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Биз яшаётган уй». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.50 Ҳужжатли кино экрани. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ильич севган асарлар». Музикали кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик —зарбдор фронт». 22.25 «Ишонч». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент «Миконд» заводи коллективи техника таълими бўлими бюросининг бошлиғи, 1924 йилдан буён КПСС аъзоси Гариф НАСРУЛЛИНнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32.56.81; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32.57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54.19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари 33.57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63.68; ахборот—33-28.95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33.29.70; эълонлар бўлими —33-81.42; нашриёт диспетчери 32.78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90.50.

20 ЯНВАРЬ, 1982 й. Р—07027. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.